

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ, ҚОРАҚАЛПОҚ
ИЖТИМОЙ ФАҢЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ФАҢ ДОКТОРИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc27.06.2017. ТАР.01.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

ҲАЙДАРОВ МУРОДИЛЛА МАҲМУТАЛИЕВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОНДА СОВЕТ ДАВЛАТИ БОШҚАРУВ ТИЗИМИНИНГ
ШАКЛЛАНИШИ, БОСҚИЧЛАРИ ВА МОҲИЯТИ (1917-1941йй)**

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

**ТАРИХ ФАҢЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фан доктори диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора наук
Content of the abstract of dissertation of doctor of sciences

Хайдаров Муродилла Махмутаалиевич

Ўзбекистонда совет давлати бошқарув тизимининг
шаклланиши, бошқаруви ва моҳияти (1917 – 1941 йй) 3

Хайдаров Муродилла Махмутаалиевич

Формирование, этапы и сущность советской системы государственного
управления в Узбекистане (1917-1941 гг) 31

Khaydarov Murodilla Mahmutalievich

System of soviet state administration and its formation, stages and essence in
Uzbekistan (1917-1941 years)..... 59

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 63

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ, ҚОРАҚАЛПОҚ
ИЖТИМОЙ ФАҢЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ФАҢ ДОКТОРИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc27.06.2017. ТАР.01.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

ҲАЙДАРОВ МУРОДИЛЛА МАҲМУТАЛИЕВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОНДА СОВЕТ ДАВЛАТИ БОШҚАРУВ ТИЗИМИНИНГ
ШАКЛЛАНИШИ, БОСҚИЧЛАРИ ВА МОҲИЯТИ (1917-1941йй)**

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

**ТАРИХ ФАҢЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.DSc/Tar30 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (<http://ik-tarix.nuu.uz>) ва “ZiyoNet” ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Муртазаева Рахбархон Ҳамидовна
тарих фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Эргашева Юлдуз Алимовна
тарих фанлари доктори, профессор

Бобожонова Дилором Бобожонова
тарих фанлари доктори, профессор

Расулов Бахтиёр Махмуджонович
тарих фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Бухоро давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети, Қорақалпоқ ижтимоий фанлар илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc 27.06.2017.Tar.01.04 рақамли илмий кенгашининг 2018 йил «__» _____ соат __ даги мажлисда бўлиб ўтади. (Манзил: 100147, Тошкент шаҳари, Мухбир кўчаси, Тарих факультети, 1 қават. Мажлислар зали. Тел.:(99871)246-96-80; e-mail: наука@nuu.uz Ўзбекистон Миллий университети).

Докторлик диссертацияси билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Бош бино).

Диссертация автореферати 2018 йил “__” _____ куни тарқатилди.
(2018 йил «__» _____ даги ___ -рақами билан реестр баённомаси)

А.А.Маврулов
Илмий даражаларни берувчи
илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Х.Э.Юнусова
Илмий даражаларни берувчи
илмий кенгаш котиби, т.ф.д.

Г.Агзамова
Илмий даражаларни берувчи
илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда сўнгги юз йилликдаги муҳим сиёсий ва ижтимоий жараёнларга социализм ва ундаги бошқарув тизими бевосита ўз таъсирини ўтказди. Мураккаб зиддиятли воқеликларга бой XX аср тарихида бу ҳол амалий жихатдан ўз тасдиғини топди. Янги академик йўналиш – советология марказлари ходимлари ва сўнгги йиллардаги тарихчи олимларнинг тадқиқотларида Совет Иттифоқи, хусусан, Ўзбекистонда содир бўлган сиёсий жараёнлар, мавжуд тузум моҳияти, ундаги давлат бошқаруви ва унинг оқибатларининг турли жихатлари ўрганилган.¹ Шунингдек Ўрта Осиёнинг жумладан Ўзбекистоннинг сўнгги 130 йиллик тарихида унинг интеллектуал-маданий, социал иқтисодий ва сиёсий ҳаётига мустамлакача бошқарув услубининг таъсири тўлиқ намоён бўлиши ҳамда маҳаллий халқлар суверен бошқарувдан четлаштирилганлиги таъкидланган.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда тарихчи олимлар томонидан ўзбек халқи давлатчилик тарихини холислик билан ва тарихий изчиллик асосида ёритиш биринчи галдаги вазифалардан этиб қўйилди. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда, бир томондан, собиқ совет ҳокимияти ҳукмронлик йилларида ўзбек халқи маънавияти ва турмуш тарзига салбий таъсир кўрсатди, иккинчи томондан, маълум ижобий ўзгаришлар юз берди, республика аграр-индустриал ўлкага айланди. Бу борада совет давлати бошқарув тизимининг шаклланиши, босқичлари ва моҳияти тўғрисида, хусусан, совет ҳокимиятининг дастлабки чорак асрлик даври (1917-1941 йиллар) ҳақида тадқиқот олиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон тараққиётининг замонавий босқичида давлат бошқаруви органлари фаолиятининг объектив таҳлили, аҳоли билан очик ва тўғридан-тўғри мулоқот натижалари мавжуд муаммоларни тизимли ҳал этишга эҳтиёж борлигини кўрсатди. Бу эса ўз навбатида “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонда таъкидланганидек, “Ҳаракатлар стратегиясининг мақсадларига эришиши давлат бошқарувининг мутлақо янги, самарали ва сифатли фаолият юритувчи тизимини яратишни”² талаб қилади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясида³ назарда тутилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши билан инновацион ривожланишнинг замонавий тенденциялари ва жаҳон стандартлари ҳисобга олиниб давлат бошқаруви тизими модернизация қилинади. Ушбу ижобий ўзгаришлар ҳам турли тарихий босқичлардаги бошқарув тизимининг

¹ H. Carrere D'Encausse, L'empire éclaté: La révolte des nations en U.R.S.S.-Paris: Flammarion, 1979.-314p.c-Biblegr. P.307-309; Frank Golczewski Russlands, zentralasiatische expansion im Lichte der neuen sowjetischen Geschichtsinterpretation. “Osteuropa”, 1980, N 6, S. 481- 493; Taras Kuzio. A Nationality Problem in the USSR?-Soviet analyst, 1985, 9уануару, England, p7-8.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони: Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида// “Халқ сўзи”, 2017 йил 8 февраль.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони: Ўзбекистон Республикасида маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида //“Халқ сўзи”, 2017 йил 9 сентябрь.

моҳиятини таҳлил этиш борасида илмий тадқиқотлар олиб боришни талаб этади.

Жаҳон тарихида собиқ совет давлати инсоният тарихидаги анъанавий кадриятларни инкор этувчи давлатчилик кўриниши сифатида ўрганилиб, унинг салбий оқибатлари таҳлил этилган. “Иттифоқдош” деб ном олган республикаларнинг Марказга қарам бўлиши, аввало, бошқарувнинг ўта марказлашуви ва бу ҳолнинг ҳуқуқий жиҳатдан қонунийлаштириб қўйилганлиги қайд этилган. Ўзбекистонда совет тоталитар давлатчилиги генезисидagi асосий омиллар ҳамда инқилобий ғоялар таҳлили коммунистик партия яккахукмронлигининг вужудга келиши совет бошқарув тизимининг шаклланишига асос бўлганлигини изоҳлайди. Шунингдек, мустабид бошқарувнинг негизи ҳамда миллий-худудий чегараланиш совет андозасидagi бошқарув тизимининг асосий воситаси эканлиги ва Ўзбекистон иқтисодиётини бошқариш тизимида Марказ манфаатларининг устуворлигини очиб берадиган мавзулар Ўзбекистон тарихидаги муҳим тадқиқотлар сирасига киради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 30 июндаги “Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳузурида Ўзбекистоннинг энг янги тарихи бўйича Жамоатчилик кенгаши фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори, 2017 йил 8 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони ҳамда соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Жамиятни ислох этиш ва модернизациялаш жараёнида миллий, адабий, тарихий ва диний кадриятлар, миллий ғоя, эстетик-бадиий тарбия, санъат, моддий ва номоддий маданий мерос, миллий давлатчилик тарихини тадқиқ этиш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертациянинг бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи⁴.

Собиқ иттифоқда советлар тузумини, миллий республикалар тарихини ўрганиш тадқиқотлари доирасида, хусусан, Ўзбекистонда совет бошқарув тизими муаммоларига бағишланган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Central European University, department of history researches (Буюк Британия), University of Birmingham, Center for Russian and East European Studies (АҚШ), Illinois University, Chicago (АҚШ), Frankfurt University (Германия), King’s College (Буюк Британия), Middle East Technical University, The department of political

⁴<https://www.gwu.edu>, <http://www.hsfk.de>, <https://uzbekistan.fr/en/uzbekistan-france>, www.ucentralasia.org, www.nti.org, <https://www.auca.kg>, www.iips.org, www.nira.org, www.cbs.dk/en, www.leeds.ac.uk, nirc.nanzan-u.ac.jp/en/publications, <https://ru.wikipedia.org>, <https://ru.wikipedia.org>, <https://ru.rags.ru/>, <https://ru.dugin.ru>, www.useoul.edu, www.dba.uz, www.uzhistory.uz, www.nuu.uz.

science and public administration (Туркия), University Of California (АҚШ), The George Washington University, Centre of scientific investigation of Central Asia (АҚШ), Sodertorn University (Швеция), Cambridge University (Буюк Британия), International relations multidisciplinary doctoral school (Польша), University of Western Ontario (Канада), Institute of International Policy Studies (Япония), Institute of Central Asia (Франция), Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Тарих институти, Ўзбекистон Миллий университетида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида совет тузумининг тарихи, Ўзбекистонда совет бошқаруви тизими бўйича жумладан қуйидаги илмий натижалар олинган: совет давлати бошқарув асослари ва мафкурасининг жамият ривожига кўрсатган салбий оқибатлари очиб берилган (Frankfurt University, Германия); коллективлаштириш даври оқибатлари, унинг мажбурий миграцияни келтириб чиқарганлиги очиб берилган (International relations multidisciplinary doctoral school, Польша); тоталитар тузум ва жамиятдаги туб ўзгаришларнинг Марказий Осиё давлатларидаги салбий оқибатлари исботланган (Institute of Central Asia, Франция); сиёсий чекловлар ва бошқарувнинг марказлаштириш оқибатлари исботланган (The George Washington University, Centre of scientific investigation of Central Asia, АҚШ); Ўрта Осиёда автоном республикаларнинг тугатилиши ва шу аснода вужудга келган сиёсий қатағонлар очиб берилган (King's College, Буюк Британия); Ўрта Осиёдаги совет миллий сиёсатининг моҳиятида мустамлакачилик белгилари мавжудлиги илмий асосланган (Russian Research Institute, АҚШ); маданий инқилоб концепцияси тамойилларининг бошқарувга тизимига (Марказий Осиё давлатлари мисолида) ва халқнинг саводхонлик даражасига таъсири очиб берилган (Sodertorn University, Швеция).

Жаҳонда собиқ совет республикалари жумладан Ўзбекистонда совет давлати бошқарув тизимининг шаклланиши, босқичлари ва моҳияти (1917-1941йй.) ни ўрганиш бўйича қуйидаги устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда: Ўзбекистонда совет бошқаруви тизимининг тоталитар жиҳатларини очиб бериш; ашаддий синфий кураш олиб борилганлиги, Ўрта Осиёдаги большевиклар юритган атеистик диний сиёсатни кўрсатиш; Ўзбекистонда коллективлаштириш, индустрлаштириш, маданий инқилоб сиёсатларини изчил ўрганиш, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий муносабатларнинг совет давлатига хос деформациясини исботлаш; Ўзбекистондаги бошқарув асосларини ўрганиш; Ўрта Осиё республикалардаги миграцион муносабатлар ва уларнинг этник хилма-хиллиги кўрсатиш;

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мазкур мавзуга оид адабиётларни хронологик жиҳатдан икки даврга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқ: *биринчи давр* – совет ҳокимияти йилларида нашр этилган тарихий адабиётлар; *иккинчи давр* – мустақиллик йилларида амалга оширилган тадқиқотлар.

Биринчи давр адабиётларини уч босқичга ажратиб таҳлил этиш мақсадга мувофиқ. *Биринчи босқичга* 1917-1941 йилларда нашр этилган тарихий адабиётлар киради. Бу йилларда нашр этилган дастлабки тарихий тадқиқотларнинг муаллифларининг аксарияти партия, давлат ва жамоат арбоблари, хўжалик ходимлари, иқтисодчи ва публицист бўлганлар.

XX аср 20-йилларида нашр этилган асарларда⁵ Туркистон ўлкасида совет ҳокимиятининг ўрнатилиши, большевиклар партиясининг минтақада юритган сиёсати, совет ҳокимиятининг дастлабки тадбирлари ва бошқалар хусусида сўз боради. Бу мавзуга оид дастлабки йирик асар РКП(б) МК Туркбюро раисининг ўринбосари Георгий Сафаровга тегишли бўлиб, мазкур асарда Туркистонда совет ҳокимияти амалга оширган мустамлака инқилоби хусусида сўз боради.⁶

XX асрнинг 30-йилларида яратилган китобларда⁷ эса совет тоталитар режими қарор топган ва мустаҳкамланган бир шароитда яратилган тарихий тадқиқотлар синфий кураш ва пролетар интернационалиزمи ғояларига бўйсундирилди. Тарихий мавзудаги адабиётларда муайян даражадаги объективликка барҳам берилди, муаммога синфий ёндошув кучайиб, марксча методологияга амал қилинди. XX аср 30-йилларига келиб совет давлати ижтимоий ҳаётида ягона коммунистик мафкура ҳукмронлиги қарор топди.

Иккинчи жаҳон уруши ва ундан кейин (1941 – 1985 йилларда) яратилган тарихий тадқиқотлар⁸ биринчи даврнинг *иккинчи босқичини* ташкил этади. Бу босқичда яратилган тарих фанига оид умумлашма тадқиқотларда⁹ Октябрь тўнтариши ва Туркистон ўлкасида

⁵ Очерки хозяйственной жизни Туркеспублики. Под редакцией А.Асаткина. –Т.: Изд. ЦСНХ, 1920; Сафаров Г. Колониальная революция (Опыт Туркестана) – М.: Госиздат, 1921; Дервиш. Ферганская проблема // Военная мысль. Кн. II. –Т, 1921. –С. 108-118; Очерки по экономике Средней Азии. Под редакцией Ю. Пославского и Г. Черданцева. –Т.: Изд. ТЭС, 1922; Рыскулов Т. Революция и коренное население Туркестана. Сборник статей, докладов, речей и тезисов с предисловием автора. Часть I. 1917-1919 гг. – Т.: Узбегосиздат, 1925; Алексеенков П. Крестьянское восстание в Фергане. Т.: Средазкнига, 1927; Он же Кокандская автономия. – Т.: Узгиз. 1931; Ходжанов С. К десятилетию Советской Автономии Туркестана. –Т; Изд, Правда Востока 1928; Ғиёсов М. Октябрь революцияси ва жадидлар //Коммунист, 1928. № 103 – Б. 13-16; Галузо П.Г. Туркестан-коллония (Очерк истории Туркестана от завоевания русскими до революции 1917 года). -М: Изд КУТВ, 1929 ва б.

⁶ Сафаров Г. Колониальная революция (опыт Туркестана) ... – С. 50.

⁷ Файзулла Хўжаев. Бухоро инқилобининг тарихидан материаллар. – Тошкент – Самарқанд: Ўзнашр, 1930; Лаврентьев В. Капитализм в Туркестане (Буржуазная колонизация Средней Азии). – Л.: Изд. Коммунистическая академия, 1930; Зелькина Е. Очерки по аграрному вопросу в Средней Азии. – Т.: Госиздат, 1930; Манжара Д.И. Революционное движение в Средней Азии в 1905-1920 гг. – Т.: Госиздат, 1934;

⁸ Непесов Г. Победа Советского строя в Северном Туркменистане (1917-1936 гг). – Ашхабад, 1950; Шу муаллиф. Из истории Хорезмской революции (1920-1924 гг). – Т.: Госиздат, 1952; Воскобойников Э., Зевелёв А. Турккомиссия ВЦИК и Совнаркома РСФСР и Туркбюро ЦК РКП(б) в борьбе за укрепление советской власти в Туркестане. –Т.: Госиздат, 1951; Житов К.Е. Победа Великой Октябрьской социалистической революции в Узбекистане. –Т.: Госиздат, 1957; Аминова Р.Х. Аграрная политика Советской власти в Узбекистане (1917-1920 гг). – Т.: Изд. Ан УзССР, 1963;

⁹ Очерки истории Коммунистической партии Туркестана, Бухары и Хорезма. – Т.: Госиздат, 1959; Очерки истории Коммунистической партии Туркестана. – Т.; 1964; Победа Советской власти в Средней Азии и Казахстане. – Т.: Фан, 1967; Ўрта Осиё коммунистик ташкилотларининг тарихи. – Т.: Ўзбекистон, 1969; Ўзбекистон ССР тарихи. Тўрт томлик. Т.Ш.Бош муҳаррир И.М.Мўминов. –Т.: Фан, 1971; Очерки истории Коммунистической партии Узбекистана. - Т.: Узбекистан, 1974; История рабочего класса Советского Узбекистана. – Т.: Фан, 1974 и др.

большевикларнинг ҳокимиятга келиши, совет ҳокимияти ўтказган сиёсат кўрсатиб берилган.

Биринчи даврнинг *учинчи босқичи* 1985 – 1991 йилларда яратилган тарих фанига оид тадқиқотларни ўз ичига олади. Бу йилларда совет жамиятида бошланган қайта қуриш ва ошкоралик жараёни, Ўзбекистонда миллий ўзликни англаш ва тарихий хотиранинг уйғониши шу даврда яратилган тадқиқотларда нисбатан ўзининг ечимини топди. Ўзбекистон Фанлар Академияси Тарих институти олимлари томонидан тарих фанининг долзарб муаммоларига бағишланган кўплаб илмий тўпламлар¹⁰ чоп этилди.

Шундай қилиб, совет даврининг кўпгина илмий адабиётлари ва тадқиқотларида Ўзбекистонда совет ҳокимиятининг ўрнатилиши ва мустақамланиши, минтақада амалга оширилган социалистик ўзгаришлар, миллий-худудий чегараланиш, совет ҳокимиятининг аграр сиёсати, ишчилар синфининг шаклланиши, миллий масала ва бошқа мавзулар ёритилган. Совет тарихчилари, XX аср 20-йилларида яратилган адабиётларни истисно этганда, то жамиятда қайта қуриш жараёни бошлангунга қадар тарихга бўлган муносабатда коммунистик мафкура талаблари бўйича иш кўришга мажбур бўлганлар. Шунинг учун бу даврда яратилган тадқиқотларда тарихий ҳақиқат бузилган ва воқеалар сохталаштирилган.

Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришгач, муаммо тарихшунослигининг *иккинчи даври* бошланди. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда амалга оширилган тадқиқотларда совет тузумининг моҳияти исботлаб берилди. Большевиклар томонидан Ўзбекистонда амалга оширилган “инқилобий ўзгаришлар” таҳлил қилиниб, совет тоталитар режимининг асл қиёфаси кўрсатилди.

Иккинчи даврда яратилган тадқиқотларни мавзу кўламига кўра икки гуруҳга бўлиб ўрганиш мумкин. *Биринчи гуруҳга* оид адабиётларда¹¹ совет

¹⁰ Новая экономическая политике в Средней Азии и Казахстане: теория, история, суждения. – Т.: Фан, 1989; Современные проблемы развития рабочего класса Узбекистана (По материалам социологических исследований 1987 г.). – Т.: Фан, 1989; Проблемы истории республик Средней Азии и Казахстане в 40-50-е годы. – Т.: Фан, 1989; Революционно-демократические преобразования в Узбекистане: итоги, поиски и перспективы изучения. – Т.: Фан, 1989; К истории некапиталистического пути развития (на примере Узбекистана). – Т.: Фан, 1990; Октябрьская революция в Средней Азии и Казахстане : история, проблемы, перспективы изучения. Ответственный редактор Р. Раджапова. – Т.: Фан, 1991 и др.

¹¹ Алимова Д. Джадидизм в Средней Азии. Пути обновления, реформы, борьба за независимость. – Т.: Ўзбекистан, 2000; Алимова Д.А., Голованов А.А. Ўзбекистон мустақил совет тузуми даврида: сиёсий ва мафкуравий тазйиқ оқибатлари (1917-1990 й). – Т.: Ўзбекистон, 2000 ; Алимова Д.А. История как история, история как наука. В 2-х томах. Т.1. История и историческое сознание. –Т.: Узбекистан, 2008; Т.2 Феномен джадидизма. –Т.: Узбекистан, 2009; Аъзамхўжаев С. Туркистон Мухторияти: миллий – демократик давлатчилик қурилиши тажрибаси. –Т.: Маънавият, 2000; Шу муаллиф. История Туркестанской автономии (Туркистон Мухторияти). –Т.: Изд. Тошкент ислом университети, 2006; Муртазаева Р. Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар ва бағрикенглик.–Тошкент: “Университет”, 2007; Муртазаева Р. Экономические основы национальных отношений в республиках Средней Азии.-Т,1989; Муртазаева Р. Толерантность как интегрирующий фактор в многонациональном Узбекистане.-Т:Узбекистан,2010; Зиёева Д. Туркистон миллий озодлик ҳаракати (Мустақил тузумга қарши 1916 йил ва 1918-1924 йиллардаги халқ қурашлари тарихшунослиги). –Т.: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти , 2000; Ражабов Қ. Мустақил Туркистон фикри учун мужодалалар (1917-1935 й). –Т.: Ўзбекистон, 2000; Шу муаллиф.Бухорога қизил армия босқини ва унга қарши қураш: тарих ҳақиқати (1920-1924 й). –Т.: Маънавият, 2002; Ражабов Қ. Фарғона водийсидаги истиқлолчилик ҳаракати: моҳияти ва асосий ривожланиш босқичлари (1918 – 1924 йиллар). –Тошкент: “Yangi nashr”, 2015; Хасанов Б. Национальная интеллигенция Узбекистана и исторические процессы 1917-начала 50-х годов. –Т., 2000; Абдуллаев Р. Национальные политические

тузумининг асл моҳиятини тарихий фактлар асосида кўрсатиб бериш билан бирга, жадидларнинг давлатчилик борасидаги қарашлари, Туркистон Мухторияти ҳукумати фаолияти, Ўрта Осиёда совет режимига қарши қуролли кураш, Туркистон ва Ўзбекистондаги сиёсий ва ижтимоий жараёнлар, ижтимоий қатламлар фаолияти, кадрлар сиёсати, миллий ва маданий сиёсат, ҳарбий иш тарихи каби масалалар таҳлил қилинди. Хусусан, Р.Ражапова, Р.Муртазаева, Д.Алимова, Ф.Қосимов, Р.Абдуллаев, С.Аъзамхўжаев, А.А.Голованов, Д.Зиёева, Қ.Ражабов, Р.Шамсутдинов, Б.Ҳасанов, Ю. Эргашева, С.Шодмонова, Ш.Хайитов ва бошқа тарихчиларнинг бу соҳадаги саъй-ҳаракатларини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

Иккинчи гуруҳ тадқиқотлари¹² муаллифлар жамоаси томонидан яратилган фундаментал тадқиқотлар ва коллектив монографиялар бўлиб, уларда Ўзбекистоннинг совет давридаги тарихи ёритилган.

Шунингдек, мустақиллик йилларида Ўзбекистонда ҳимоя қилинган номзодлик ва докторлик диссертацияларида ҳам мустабид совет режимининг тоталитар хусусияти очиб ташланган. Айниқса, С. Аъзамхўжаев, Р. Абдуллаев, Д. Зиёева, Қ. Ражабов, А. Расулов, Ш. Хайитов, Ю.Эргашева, З. Ишанходжаева, С.Шодмонова, Н. Мустафаева, Б.Расуловларнинг докторлик диссертацияларида¹³ тадқиқ қилинаётган

организации Туркестана в 1917 – 1918 годы. – Ташкент: “Navro’z”, 2014; 2-ое издание. – Ташкент: “Adabiyot uchqunlari”, 2016; Шодмонова С. Ўзбекистон шаҳарларида трансформация жараёнлари (1917-1991 йиллар). – Тошкент: “Adabiyot uchqunlari”, 2014; Мустафаева Н. XX асрда Ўзбекистонда маданият ва тафаккур. Тарихшунослик таҳлили. –Тошкент: “Navro’z”, 2014; Давлатова Ш. Ўзбекистонда бошқарув структурасининг шаклланиши ва тараққиётида миллий масаланинг туган ўрни (XX асрнинг 20-йиллари). – Тошкент: “Navro’z”, 2016.

¹² Мазкур гуруҳ тадқиқотчилар асарлари диссертациядаги «Фойдаланилган адабиётлар рўйхати»да келтирилган.

¹³ Гаибназаров Ш.Г. Общественное развитие Узбекистана 20-х годов. Противоречивость политических тенденций. Автореферат дисс...докт. политических наук. – Т., 1994; Ражабов К.К. Стремление к независимости в Ферганской долине: сущность и основные этапы развития (1918-1924 гг.). Автореферат дисс... канд.ист.наук. –Т., 1995; Он же: Вооруженное движение в Туркестанском крае против советского режима (1918-1924 гг.). Автореферат дисс... докт.ист.наук. – Т., 2005; Рахмонкулова А.Х. Общественно – политическая жизнь Узбекистана (20-е годы). Автореферат дисс... канд.ист.наук. Т., 1995; Набиев Ф.Х. Проблемы и противоречия социальной политики в Туркестане (1917-1924 гг.). Автореферат дисс... докт. ист. наук. – Т., 1995; Ташкулов Дж.З. Основные направление политико-правовой мысли народов Узбекистана во второй половине XIX – первой четверти XX вв. Автореферат. дисс... докт. юридических наук. – Т., 1995; Кошанов Б. Большевики в Туркестане (1918-1922 гг.). Доктрина и реальность. Автореферат дисс... докт. ист.наук. – М.,1995; Агзамходжаев С.С. Туркестанская Автономия: борьба за свободу и независимость (1917-1918 гг.). Автореферат дисс... докт. ист. наук. –Т., 1996; Куллиев Х.М. Складывание экономических и духовных основ тоталитарного строя в Туркестане (1917-1920 гг.). Автореф. дисс... канд. ист. наук. – Т., 1998; Абдуллаев Р.М. Национальные политические организации Туркестана в 1917-1918 годы. Автореферат дисс...докт. ист. наук. – Т., 1998; Эргашева Ю.А. Культура Узбекистана:тенденции и проблемы развития (50-60годы) . Автореферат дисс...докт. ист. наук.–Ташкент, 1998. Хайдаров М.М. Централизаторская политика советской власти в Туркестане и ее последствия (1917 – 1924 гг.). Автореферат дисс...канд.ист.наук. – Ташкент, 1998; Зияева Д.Х. Национально - освободительное движение в Туркестане в историографии XX века (проблемы изучения истории восстания 1916 года и движения “истиклолчилик” 1918-1924 гг.). Автореферат дисс...докт. ист. наук. – Т., 1999; Ерметов А.А. Туркистон АССРда назорат органлари ва уларнинг тоталитар тузум ўрнатилишидаги ўрни (1918-1924 й.). Тарих фанлари номзоди...диссертация автореферати. – Т., 2005; Хайдаров И. Ўзбекистонда Иктисодий Кенгашлар фаолияти (1917-1934 й). Тарих фанлари номзоди...диссертация автореферати. – Т.,2007; Хайитов Ш.А. История узбекской эмиграции XX века. Автореферат дисс...докт.ист.наук. –Т, 2009; Қурбонов Х.Р. Ўзбекистонда зўрлик билан ўтказилган коллективлаштириш ва унинг оқибатлари. 1929-1938 йиллар (хозирги Самарқанд, Навоий, Бухоро вилоятлари мисолида). Тарих фанлари номзоди ...диссертация автореферати. – Т., 2010;

мавзунинг айрим жиҳатлари ўрганилганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

Хориж тарихшунослигини янги маълумотлар ва бугунги кун талаби асосида ўрганиш Ўзбекистон тарихини холисона ёритиш йўллари билан бириктирилади. Ўзбекистонда мустақил давлат бошқарув тизимининг шаклланиши, босқичлари ва моҳияти тўғрисида XX аср ва XXI аср бошларида хорижда яратилган кўплаб тарихий тадқиқотларда тарихий таҳлиллар ва кўплаб маълумотлар мавжуд айрим маълумотлар мавжуд.¹⁴

Бироқ Ўзбекистонда совети давлат бошқарув тизимининг 1917 – 1941 йиллардаги шаклланиш жараёни, унинг босқичлари ва моҳиятининг алоҳида тадқиқот объекти ўрганилмаганлиги боис ҳам ушбу мавзу тадқиқот иши сифатида танлаб олинди.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги.

Диссертация Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети илмий тадқиқот ишлари лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади 1917–1941 йилларда Ўзбекистонда совет давлати бошқарув тизимининг шаклланиши, даврий босқичлари ва тоталитар моҳиятини очиқ беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Туркистон ўлкасида совет ҳокимиятининг ўрнатилиши ва мазкур ҳокимият бошқарув тизимини шакллантириш жараёнини ёритиб бериш;

XX аср 20-йиллари охири ва 30-йилларида Ўзбекистон ССРдаги давлат бошқарув масаласининг марказ билан узвийлигини очиқ бериш;

Марказнинг ваколатли органлари мустақил бошқарувнинг негизи эканлигини кўрсатиш;

Маҳаллий халқ вакиллари билан бўлган коммунистларнинг марказлаштириш сиёсатига муносабатини таҳлил қилиш;

Ўрта Осиёда ўтказилган миллий-худудий чегараланиш-совет андозасидаги бошқарув тизимининг асосий воситаси эканлигини кўрсатиб бериш;

Ўзбекистон ССРдаги компартия ва ҳукумат ташкилотларининг ваколатлари фаолиятини таҳлил қилиш;

Эркаев Э.М. Совет даврида Ўзбекистоннинг пахта хом ашё базасига айлантирилиши ва унинг деҳқонлар ҳаётига салбий таъсири (1917-1940 й). Тарих фанлари номзоди...диссертация автореферати. Т., 2011; Мустафаева Н.А. Мустамлака ва совет даври тарихшунослигида Ўзбекистоннинг XX аср маданияти (ўзбек, рус, инглиз т.). Тарих фанлари докторлик диссертацияси автореферати. – Т., 2016; Расулов Б.М. Ўзбекистонда коллективлаштириш жараёнидаги сиёсий катагонлар ва сургун қилинган деҳқонлар аҳволи (1925-1959йй.) (ўзбек, рус, инглиз т.). Тарих фанлари докторлик диссертацияси автореферати. – Т., 2017 ва б.

¹⁴ Карр Э. История Советской России. В 14 томах. Большевицкая революция 1917-1923. Том 1-2. Переводчики: Вольская З., Захарова О., Кольцов Н. –М.: Прогресс, 1990; Боффа Дж. История Советского Союза. В двух томах. Том 1. От революции до второй мировой войны. Ленин и Сталин. 1917-1941. – М.: Международные отношения, 1990; Такер Р. Сталин. Путь к власти. 1879-1929. История и личность. Переводчика: Бляблин Г.П., Зур А.К. – М.: Прогресс, 1991.

Ўзбекистондаги партия органларининг ўзаро ва Марказ билан боғлиқ ҳолдаги сиёсатини ёритиш;

Ўзбекистон иқтисодиётини бошқариш тизимида Марказ манфаатлари устуворлигини очиб бериш;

илмий хулосаларга таянган ҳолда Ўзбекистоннинг совет даври тарихидан сабоқ чиқариш ва улардан келиб чиқадиган таклиф ва тавсиялар бериш.

Тадқиқотнинг объектини Ўзбекистонда совет давлати бошқарув тизими ташкил қилади.

Тадқиқотнинг предмети қилиб Ўзбекистонда мустабид совет давлати бошқарув тизимининг шаклланиши, босқичлари ва моҳиятини ёритиш белгиланди.

Тадқиқотнинг усуллари. Муаммога *цивилизацион ёндошув* мазкур тадқиқотнинг назарий асоси бўлиб хизмат қилди. Диссертацияда тарихийлик, тизимлилик тамойиллари ҳамда қиёсий, муаммовий-хронологик таҳлил усулларида фойдаланилди ва ҳолисона ёритилди.

Диссертациянинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистонда совет давлати бошқарув тизимининг шаклланиши, босқичлари ва моҳиятининг тарихий жиҳатлари, совет давлатчилиги генезисининг тамойиллари ва синфийликка асосланган бошқарув тизимининг тоталитар характери исботланган;

Ўзбекистонда совет давлати бошқарув тизимининг босқичлари Туркистон АССРда тоталитар бошқарув тизимининг ўрнатилиши (1917-1924йй.) ва Ўзбекистон ССРда маъмурий буюруқбозликка асосланган бошқарув тизимининг қарор топиши (1925-1941йй.) каби даврларнинг узвийлиги ва фарқли жиҳатлари ёритилиб, синфийликка асосланган совет давлатчилиги бошқарув тизими иерархиясининг коммунистик партия измида бўлганлиги, ундаги махфий иш юритиш тизими, давлат бошқаруви органлари устидан сиёсий назорат ўрнатилганлиги очиб берилган;

Ўрта Осиёда амалга оширилган миллий-худудий чегараланиш сиёсати миллий манфаатларини ҳисобга олмасдан ўтказилганлиги, марказий ташкилотларининг маъмурий-буюруқбозлик тизими асосида фаолият кўрсатганлиги, ягона тарихий, иқтисодий ва географик маконга эга бўлган Туркистон минтақасини парчаланиши оғир оқибатларга олиб келганлиги туфайли юзага келган маҳаллий аҳолининг норозилиги исботланган;

Ўзбекистондаги партия ва ҳукумат органларининг Марказ билан боғлиқ сиёсатида мустамлакачилик хусусияти сақлаб қолинганлиги ҳамда маҳаллий аҳоли манфаатлари учун курашаётган миллий раҳбар ходимларнинг фаолияти ёритилган. Ўзбекистонда партия ташкилотлари ва совет идоралари фаолиятидаги нуқсонларнинг бошқарувга салбий таъсири қиёсий очиб берилди. Совет ҳокимиятига қарши деҳқонларнинг ғалаёнлари ва ишчиларнинг сиёсий норозилиги сабаблари кўрсатилган;

Собиқ иттифоқ манфаатлари кўзланган иқтисодий сиёсатда марказий ташкилотлар (главкизм) фаолияти комплекс тарзда очиб берилди. Иттифоқнинг “ягона халқ хўжалиги” режасига биноан Ўзбекистон ССР

хомашё етказиб берувчи иқтисодий ҳудуд сифатида қолганлиги иқтисодий инқироз ҳамда очарчиликни келиб чиқишига муҳим туртки бўлганлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси:

совет давлатчилиги генезисдаги асосий омиллар ҳамда инқилобий ғоя ва амалиётнинг тутган ўрни, уларнинг ўзаро алоқадорлиги ҳақидаги жаҳон тарих фанининг илмий хулосаларидан Ўзбекистоннинг совет даври тарихини тадқиқ этишда қўлланилиши мумкин бўлган назарий-услубий жиҳатлар аниқланди;

тадқиқотда Ўзбекистонда совет давлати бошқарув тизими тарихига оид кўплаб архив ҳужжатлари илк марта илмий муомалага киритилди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда тарих фанида тан олинган ёндашув ва усулларнинг қўлланилгани, катта ҳажмдаги архив ҳужжатлари ва бошқа манбалар таҳлил қилинганлиги, кўп турдаги тарихий адабиётлардан фойдаланилгани, илмий хулосалар бирламчи манбаларга асосланганлиги, хулосада келтирилган таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли идоралар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Ўзбекистонда совет ҳокимиятининг мустабид бошқарув тизими, унинг шаклланиши, босқичлари ва моҳияти масалаларини ўз ичига олган тадқиқот хулосаларидан Ўзбекистон тарихининг тегишли даврини комплекс ўрганишга ёрдам беради ҳамда назарий хулосаларни умумлаштиришда фойдаланиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шу билан изоҳланадики, ишда келтирилган фактик материаллар ва илмий хулосалардан Ўзбекистон тарихининг совет даври бўйича илмий ишлар яратишда ҳамда мақсадли давлат дастурларининг бажарилишини такомиллаштиришга хизмат қилиши билан асосланади.

Тадқиқот натижаларнинг жорий қилиниши. Ўзбекистонда совет давлати бошқарув тизимининг шаклланиши, босқичлари ва моҳиятига оид ишлаб чиқилган илмий хулоса ва таклифлар асосида:

Туркистонда октябрь тўнтарилиши ва совет ҳокимиятининг ўрнатилиши, Марказнинг ваколатли органлари мустабид бошқарувнинг негизи эканлиги ҳақидаги илмий натижалар “Ўзбекистон тарихи” дарслиги (Тошкент, 2003)нинг тегишли бўлимларини ёзишда фойдаланилган. Шунингдек, совет ҳокимиятининг Ўзбекистонда амалга оширган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий тадбирларининг муштамлақачилик моҳияти ҳамда XX аср 20-йиллари иккинчи ярми-30-йиллардаги сиёсий қатағонлар, Ўзбекистон ССРдаги компартия ва ҳукумат ташкилотларининг ваколатлари борасидаги илмий хулосалар Ф. 1-32 гранти доирасидаги “Ўзбекистон тарихи” дарслиги (Тошкент, 2015)нинг бўлим ва параграфларини ёзишда фойдаланилган. Қўлланилган натижалар Ўзбекистон тарихининг мазкур даврига оид тадқиқотларни тарихий далиллар ва манбалар билан таъминлашга хизмат

қилган ҳамда талабаларда тарихий билимларни шакллантиришда хизмат қилган.

Ўзбекистонда партия ташкилотлари ва совет идоралари фаолиятидаги нуқсонларнинг бошқарувга салбий таъсири тўғрисидаги илмий хулосалар Ўзбекистон тарихи, Ўзбекистонда давлат бошқаруви ва маҳаллий ўз-ўзини бошқарув мутахассисликлари учун Давлат таълим стандартларига(ДТС) мазмунига сингдирилган. (Ўзбекистон Миллий университетининг 2016 йил 6 октябрдаги №04/2-4958 сон далолатномаси); ДТСлардаги тегишли фанларнинг талабларида Туркистонда совет давлатини зўравонлик ўрнатилиши, совет давлатининг сиёсий бошқаруви ҳамда Ўзбекистонда иқтисодий сиёсатнинг марказ манфаатларига бўйсиндиришнинг оқибатлари ҳақида кўникмаларга эга бўлишига хизмат қилган.

Совет тоталитар бошқарув тизимининг Ўзбекистонда сиёсий марказлаштириш учун олиб борган ишлари бўйича олинган илмий хулосалар Ўзбекистон тарихи давлат музейи экспозицияларининг “1917 йилдаги Октябрь тўнтариши”, “Совет ҳокимиятининг ўрнатилиши ва тоталитар тузумнинг қарор топиши” мавзуидаги бўлимларини шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Фанлар Академиясининг 2016 йил 10 октябрдаги №3/1255-1243 сон далолатномаси). Бунда Ўзбекистон ССР бошқарув тизимининг шаклланиши ва ҳолати, Ўзбекистондаги ҳукумат ва партия органларининг ваколатлари фаолияти, партия органларининг ўзаро ва Марказ билан сиёсати архив манбалари ва бошқа маълумотлар асосида очиб берилган;

Туркистон АССРда большевикларнинг яқка партия ҳукмронлигининг вужудга келтирилишини тадқиқ этиш ҳамда миллий коммунистларнинг марказлаштириш сиёсатига муносабатини таҳлил қилиш юзасидан олинган илмий хулосалардан “Қатағон қурбонлари хотираси” музейи экспозицияларининг “1937-1938 йиллардаги сиёсий қатағонлар” ва “1940-1950 йиллардаги сиёсий қатағонлар” мавзуидаги бўлимларини шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Фанлар Академиясининг 2016 йил 10 октябрдаги №3/1255-1243 сон далолатномаси). Мазкур натижаларда XX аср биринчи ярмида ўзбек қишлоқларидаги аҳвол, шунингдек, совет ҳокимиятининг асосий таянчи деб қаралган ишчилар ўртасида ҳам большевиклар сиёсатига қарши кучли норозилик ҳаракатларини исботлаш орқали кенг жамоатчиликни Ўзбекистонда юритилган сиёсатнинг асосий моҳиятини теран англашига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 30 та илмий конференцияда, шу жумладан, 4 та халқаро конференция: «История последствий голода в начале XX века в Туркестане» (Актюбе, 2006), “Тоталитарная советская государственность в Туркестане: диктатура пролетариата и правовой вопрос” (Алматы, 2007), “International Seminar on Etno-National Studies in Central Eurasia. Central University for Nationalities” (Пекин, 2008) ва 20 дан ортиқ республика илмий-амалий конференцияларида апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларнинг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 65та илмий иш, жумладан, 1та монография, 1та ўқув қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган нашрларда 20та мақола, жумладан, республика журналларида 18та ва хорижий журналларда 2та мақола чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Тадқиқот кириш, тўртта боб, хулоса ҳамда фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати, шунингдек, иловадан иборат. Диссертациянинг тадқиқот қисми 249 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, диссертациянинг мақсад ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, мавзу бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳланган ва муаммонинг ўрганилганлик даражаси таҳлил этилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Ўзбекистон худудида совет ҳокимиятининг ўрнатилиши ва унинг бошқарув тизими (1917 – 1920 й.)”** деб номланган биринчи бобида совет тоталитар давлатчилиги генезисдаги асосий омиллар ҳамда инқилобий ғоя ва амалиётнинг тугган ўрни, уларнинг ўзаро алоқадорлиги, Туркистонда совет ҳокимиятининг ўрнатилиши ва унинг оқибатлари, Туркистон АССРда большевиклар партияси якка ҳукмронлигининг ўрнатилиши каби масалалар таҳлил қилинган.

Таъкидлаш жоизки, Туркистонда кенг халқ оммасининг иштирокисиз, асосан оз сонли европалик ишчиларининг қуролли ҳаракатлари билан тўнтарилиш амалга оширилди. Маҳаллий аҳоли учун октябрь “инқилоби”нинг социал ғоялари ёт бўлиб, унинг ҳаракатлантирувчи кучлари эса кечаги мустамлакачиликнинг таянчлари эди. Ўрта Осиё совет республикаларида социализм қурилишида бевосита “рахнамолик” қилган Марказ вакилларида бири И. А. Зеленский октябрь тўнтариши арафасида Туркистон ўлкасидаги вазиятни шундай эътироф этган эди: “Ўрта Осиёнинг миллий таркиби орасида ҳокимиятни қўлида тутиб турадиган қатлам йўқ эди. Маҳаллий ишчилар синфи шаклланмаганлиги сабабли Россиянинг Европа қисмидан келган ишчилар Октябрнинг ҳимоячиси ролини ўйнадилар. Улар Марказдаги ишчи ва деҳқонлар билан фикрдош бўлиб, у ерда ҳам, ўлкада ҳам бир вақтда инқилобни амалга оширдилар”.¹⁵

Ишда Совет тоталитар давлатчилиги генезисига тўхталган ҳолда унинг мустабид характерга эгаллиги ёритиб берилди. Синфий курашга

¹⁵ Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг архиви (ЎЗРПДА), 58-фонд, 1-рўйхат, 3- иш, 50-52-варақлар.

асосланган бошқарув тизими тоталитар услубни асосий тамойил қилиб олди. Фуқаролар уруши, “маданий инқилоб”, диний ва миллий сиёсатдаги советча услуб инқилобий назариянинг негизидан келиб чиққан эди. Бу борада зўравон-катағонлик сиёсати турли даражада татбиқ этилди. Ҳокимиятдаги қарорлар коммунистик партиянинг юқори доираларида, совет ҳокимияти тараққиётининг кейинги босқичларида ҳам олий сиёсий ҳокимият тепасида турган ва компартия номидан иш кўрган Сиёсий бюро бутун ҳокимиятни тўла равишда назорат қилди.

Ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг мураккаб ва зиддиятли тарзини кечираётган Туркистон ўлкасида совет ҳокимияти 1917 йил ноябрда дастлаб Тошкентда, сўнгра минтақанинг бошқа шаҳарларида ўрнатилди. Биринчи ташкил этилган ҳукумат-Туркистон Халқ Комиссарлари Совети-таркибига бирорта ҳам маҳаллий миллат вакиллари киритилмадилар. РКП(б) МК Туркистон бюроси аъзоси Г.Сафаров 1917 йил Октябрь воқеаларини, большевиклар партиясининг ўша пайтдаги мавқеини қуйидагича тасвирлаган эди: “...пролетариат диктатураси биринчи қадамдан бошлаб типик мустамлакачи кўринишида бўлди: рус ишчилари “Туркистон халқларини бошқариш” ни ўз қўлларига олдилар”.¹⁶

1918 йил 20 апрель – 1 майда Тошкентда Туркистон Советларининг V ўлка съездида делегатлар совет Россияси ҳукумати раҳбарлари В.И.Ленин ва И.В.Сталиннинг кўрсатмаси асосида 30 апрель куни “Россия Совет Федерациясининг Туркистон Совет Республикаси ҳақидаги Низоми”ни қабул қилишди. Унга кўра Туркистон ўлкаси совет республикаси сифатида Россия Совет Федерациясининг таркибий қисми сифатида марказий ҳокимиятга бевосита бўйсунити белгилаб қўйилди.¹⁷

Туркистон ўлкасида 1918 йил 30 апрелда совет автономияси эълон қилинган, минтақани советлаштиришнинг янги даври бошланди. Туркистон ўлкаси Совет Россиясига сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан қарам мавқега эга бўлди. Ўрта Осиё республикаларида советча бошқарув тизими ўрнатилган, Марказнинг ваколатли органлари бевосита фаолият кўрсата бошладилар, Марказнинг бундай ҳукмронлиги конституцион моддалар билан “қонунийлаштирилди”.¹⁸

Туркистон Республикаси Советларининг фавқулодда V-съезди (1918 йил 5-14 октябрь) да РСФСР Конституцияси андозасидаги Туркистон Совет Республикаси (ТСР) Конституцияси қабул қилинди.¹⁹ Россия Федерацияси ҳукуматининг тазийқи остида 1920 йилдаги Туркистон Конституциясида аввалги киритилган қуйидаги ваколатлар чиқариб ташланди: а) Федерал ҳукумат томонидан қабул қилинган ҳарбий ташкилотлар тузилмаларини маҳаллий шароитни ҳисобга олган олда ўзгартириш ҳукуқи; б) Федерал

¹⁶ Сафаров Г. Колониальная революция (Опыт Туркестана). –М.: Госиздат, 1921.-с.71.

¹⁷ Положение о Туркестанской Советской Республике Российской Советской Федерации // “Наша газета” (Ташкент), 5 мая 1918 г.; Победа Октябрьской революции в Узбекистане. Т. II. Упрочение советской власти в Узбекистане. Сборник документов. –Ташкент: “Фан”, 1972. – С. 251.

¹⁸ Ўзбекистон миллий давлатчилиги назариясининг ҳуқуқий асослари, Учинчи китоб, Т., 2006. 74 бет.

¹⁹ Қаранг: Конституция Туркестанской Республики Российской Социалистической Советской Федерации. – Т.: Изд. Бюро печати при Турк. ЦИК Советов, 1918.

ҳукумат вакиллари орқали қўшни бўлган мамлакатлар билан маҳаллий хўжалик, қўшничилик ва милиция масалалари бўйича бевосита алоқалар ўрнатиш; в) Россия Федерацияси доирасида молиявий битимлар тузиш, қарз бериш, олиш ҳуқуқлари; г) Россия Федерацияси доирасидаги республикаларнинг янги аъзоларини Туркистон Республикаси таркибига қабул қилиш ва уни тасдиқлаш ҳуқуқлари бекор қилинди.

1920 йилдаги Конституция Федерал ҳокимиятнинг қатъий ваколатига ташқи алоқалар, ташқи савдо ҳамда ҳарбий ишларни киритди. Ушбу Конституциянинг асосий қоидалари Бутун Россия МИК томонидан 1921 йил 11 апрелда қабул қилиниб, ТАССР тузилишини юридик жиҳатдан расмийлаштириб, «Туркистон АССРни ташкил қилиш ҳақида»ги декрет билдан мустаҳкамлаб қўйилди.²⁰

Тарихий адабиётларда Туркистоннинг бошқарув тизимига туб аҳоли вакиллари киритилмагани Туркистон мухториятини ташкил топишининг омиллардан бири сифатида қаралади. Бир аср аввал Туркистон халқларининг орзу умидлари сифатида вужудга келган Туркистон Мухториятининг тугатилганидан сўнг ҳам, ўлка бошқарувида маҳаллий миллат вакилларининг иштирокига йўл қўйилмади.

Таъкидлаш жоизки, октябр тўнтаришининг илк кунларида давлат органлари ва ҳукумат таркиби большевиклар ва сўл эсерлардан иборат бўлиши расмий тарзда равишда эълон қилинган эди²¹. Бунга В.И.Лениннинг Таъсис мажлисини чақириш бўйича ваъдаси ҳам сабаб бўлган эди. Бу пайтда Туркистон ўлкасида эсерлар, хусусан, сўл эсерларнинг таъсири кучли бўлган. Улар ўз навбатида деҳқонлар манфаатларини ҳимоя қилганлар.

Сиёсий эътиқоднинг ўзгачалиги, сўл эсерларнинг ижтимоий келиб чиқиши (уларнинг кўпчилиги келиб чиқишига кўра мулкдорлар синфига тааллуқли эди) большевикларнинг жазо органлари томонидан уларни таъқиб этишга асос бўлди²². Эсерларнинг ҳокимиятдан четлаштирилиши “пролетар диктатураси” ниқоби остида коммунист-большевиклар мавқеини мутлақлаштиришга хизмат қилди.

1917 йил ноябрда ўрнатилган совет ҳокимияти Туркистон ўлкасида ҳам давлатчиликнинг янги шаклини бошлаб берди. Бутун мамлакатда бўлгани сингари Туркистон ўлкасида ҳам совет давлатчилигига асос солинди. Совет давлатчилиги тараққиётининг илк босқичи бўлган 1917–1920 йилларда Туркистон АССРда давлат бошқаруви Марказ кўрсатмаси асосида РСФСРдан андоза олиб ташкил қилинди ҳамда 1918 йил апрелда тузилган Туркистон АССР автоном республика сифатида дастлабки совет давлати бўлган РСФСРнинг ажралмас таркибий қисми деб эълон қилинди. Ўлкада совет андозаси асосида автономия ташкил қилинди. Туркистон АССР конституциясининг бандларида ҳарбий, ташқи алоқалар, темир йўл ва почта алоқалари каби соҳалар Марказнинг мутлоқ измида эканлигини бириктириш билан совет бошқарув тизими марказлаштирилди. Автоном республика

²⁰ Ўзбекистон миллий давлатчилик назариясининг ҳуқуқий асослари, Учинчи китоб, Т., 2006. 74 бет.

²¹ ЎзРПДнинг Фарғона вилояти ҳокимлиги филиали, 121-фонд, 1-рўйхат, 37-иш, 9-варақ.

²² ЎзРПДнинг Фарғона вилояти ҳокимлиги филиали, 121-фонд, 1-рўйхат, 2888-иш, 16-17-варақлар.

раҳбарлари дастлаб Марказдан юборилган эмиссарлардан иборат бўлди, 1920 йилдан бошлаб эса ўзбек, қozoқ, туркман халқларининг вакиллари Т. Рискулов, Н.Тўрақулов, А.Раҳимбоев, Қ.Отабоев, И.Хидиралиев, Р.Исломов, Н.Айтақов ва бошқалар бу лавозимларни эгаллашди.

Диссертациянинг **“Тоталитар бошқарув тизимининг қарор топтирилиши ва унинг марказлаштирилиши (1920 – 1924 й.)”** номли иккинчи бобида Марказнинг ваколатли партия ва совет органлари – мустабид совет тузуми ва коммунистик партия бошқарувининг негизи эканлиги ҳамда миллий коммунистларнинг марказлаштириш сиёсатига муносабати масалалари таҳлил қилинган.

Тарихдан маълумки, 1919 йил 8 октябрда В. И. Ленин томонидан Бутунроссия Марказий Ижроия Комитети ва РСФСР Халқ Комиссарлари Советининг Туркистон ишлари бўйича комиссиясини ташкил қилиш тўғрисидаги қарор имзоланди. Туркистон комиссиясининг асосий таркиби 1919 йил 4 ноябрда Тошкентга етиб келди. Марказ Туркистон комиссияси фаолиятини янада кучайтириш, партиявий раҳбарликни амалга ошириш учун 1920 йил июль ойида РКП (б) Марказий Комитетининг Туркистон бюросини тузишга мажбур бўлди. Туркбюро ҳам Турккомиссия сингари Тошкентда фаолият кўрсатди.

Туркбюро Марказнинг ғоявий-сиёсий таъсирини кучайтириш мақсадида партия сафларини мунтазам равишда “ёт унсурлар” дан тозалаб туриш кампаниясини уюштириб турди. Миллий раҳбар-ходимларнинг “ғоявий софлиги” ни назорат қилди. Бу вазифани амалга ошириш учун Марказ Туркистонга доимий равишда “тажрибали большевиклар” ни юбориб турди. Фақат 1921 йилда Туркистон бюроси ихтиёрига Марказдан 354 нафар коммунистлар эмиссарлар сифатида юборди.²³ Улар Туркистон, Бухоро, Хоразм республикаларидаги масъул лавозимларда фаолият кўрсатдилар. Марказ вакиллари Туркистон халқлари урф-одат, анъаналари ўзига хос хусусиятларини билмаган ҳолда ҳокимият органларида ҳукмронлик қилдилар.

Ўз навбатида Турккомиссиясига Марказнинг бошқа ташкилотларига нисбатан катта ҳуқуқ ва ваколатлар берилган эди. Уларнинг зиммасига ҳар қандай йўл билан ҳам Туркистонда совет ҳокимиятини сақлаб қолиш ва мустаҳкамлашдан иборат эди. Турккомиссия бу вазифани амалга оширишда тазйиқ ва зўравонлик усулидан асосий восита сифатида фойдаланди. Марказдан келган комиссия аъзолари худди Туркбюро аъзолари каби Туркистондаги миллий раҳбар-ходимлар (миллий коммунистлар) ни ўлка ва халқ манфаатларини ҳимоя қилишларига, Марказ сиёсатига қарши чиқишнинг барча кўринишларига қарши аёвсиз курашдилар. XX аср 20-йилларида ишчи, солдат ва деҳқон депутатлари кенгашлари аъзоларидан советларга қарши норозиликларни бостириш учун жазо экспедицияларини тузиш, режа асосида қамокқа олиш ҳамда ўлимга маҳкум этишни амалга

²³ Ўзбекистон РПДА, 60-фонд, 1-рўйхат, 778-иш, 92-варак.

оширишнинг ойлик ҳисоботларини кўрсатиш талаб этилган.²⁴

1922 йил май ойида Туркистон бюроси РКП (б) МК Ўрта Осиё бюроси сифатида қайта тузилди. Ўрта Осиё бюросининг тузилиши билан 1922 йил 16 августда Туркистон комиссияси тугатилди. Ўрта Осиё бюроси бошқарувнинг шундай шаклини ишлаб чиқдики, пировардида Ўзбекистондаги барча ташкилотлар бу механизмнинг бир қисмига айланди. **(1-жадвалга қаранг)**

Диссертацияда архив ҳужжатлари ва бошқа тарихий материаллардан олинган материаллар асосида Марказ вакилларининг Ўзбекистон ҳудудида юритган сиёсати ва унинг салбий оқибатлари, миллий раҳбар-ҳодимларнинг уларга нисбатан муносабати масалалари тегишли даражада ўз аксини топган²⁵.

Хуллас, Туркистон АССРда фаолият кўрсатган миллий коммунистлар ўлка туб халқлари манфаатлари учун Марказ сиёсатига қарши кураш олиб бордилар. Айниқса, Т.Рисқулов раислигида фаолият кўрсатган Туркистон ўлка Мусулмонлар бюроси (Мусбюро) фаолияти диққатга сазовордир.

1920-1924 йилларда Марказ томонидан ташкил қилинган турли ваколатли органлар (комиссиялар, бюролар, иқтисодий кенгашлар ва бошқа ташкилотлар) орқали совет давлати Туркистон АССРда ўз сиёсатини амалга оширган. Улар совет ташкилотлари, жумладан, Туркистон АССР МИК ва ХКС раҳбарлари устидан ҳам назорат ўрнатиб, минтақани бошқарганлар. Совет давлатчилигининг ушбу босқичида тоталитар бошқарув тизими қарор топдирилди ва марказлаштирилди.

Диссертациянинг **“Ўзбекистон ССРнинг ташкил топиши ва унинг бошқарув тизими (1925 – 1941 й.)”** деб номланган учинчи бобида Ўрта Осиёда ўтказилган миллий-ҳудудий чегараланиш натижасида 1925 йил февралда Ўзбекистон ССРнинг ташкил топиши ҳамда ундаги ҳукумат ва партия органларининг фаолияти, Ўзбекистон Коммунистик партиясининг Марказ билан боғлиқ сиёсати аввал илмий муомалага киритилмаган архив ҳужжатлари орқали кўрсатилган. Шунингдек, Ўзбекистонда совет бошқарув тизимининг негизи бўлган коммунистик партиянинг фаолияти, ундаги ички муҳит очиб берилди.

Ўрта Осиёда миллий-ҳудудий чегараланиш маҳаллий аҳолининг манфаатлари, ўзига хос хусусиятлари, асрий анъаналари ҳисобга олинмаган ҳолда амалга оширилди. ВКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси миллий ҳудудий чегараланиш ўтказилиши жараёнига бош бўлди. Мазкур бюро раҳбарларининг ўзлари эътироф этганларидек ўлкадаги географик, иқтисодий, миллий жиҳатлар етарлича ўрганилман ҳолда амалга оширилган. Бундай маълумотнома ва архив ҳужжатлари диссертация ва иловада ўз аксини топган.

Ўзбекистон ССР ташкил топган дастлабки вақтлардан, яъни 1925 йил февралдан бошлаб Ўзбекистон Коммунистик партияси ҳукумат фаолияти устидан қатъий назорат ўрнатишга интилди. ВКП(б) Марказий Комитети-

²⁴ Андижон вилояти ДА, 90 ф, 1 р, 64 иш

²⁵ Ўзбекистон МДА, 17- фонд, 1- рўйхат, 17 -иш, 9- варақ.

РСФСР ва Туркистон АССРдаги партия, давлат ва ҳукумат органлари тузилиши



нинг катта мададига таянган Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети раҳбарлари (В.Иванов, К.Киркиж, Н.Гикало, И.Зеленский, А.Икромов ва б.) Файзулла Хўжаев бошчилигидаги Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Советининг ҳар бир аъзоси, яъни республика ҳукуматидаги ҳар бир халқ комиссари устидан партиявий назорат ўрнатишдан ташқари, уларнинг фаолиятига мунтазам равишда аралшиб турдилар. Бу муаммо Ўзбекистондаги ҳукумат ва партия органларининг ваколатлари масаласида тобора кучайиб борди.

1925 йилдан бошлаб Ўрта Осиё республикаларида партия, совет, касаба уюшмалари, ГПУ ва НКВД, қизил армия сафларида партиявий тафтиш амалга оширилганда қатор салбий ҳолатлар қайд этилди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Контроль Комитетининг партия комиссияси 1925 йил октябрь-декабрь ойларида тайёрлаган махсус маълумотномасида келтирилишича, тафтиш жараёнида Ўзбекистонда партия аъзоларининг каттагина қисми судланган ва терговга тортилган. Биргина Сурхондарёда амалга оширилган текшириш натижасида парткомлар томонидан режали раҳбарликнинг йўқлиги, ячейкалар ўртасидаги механик алоқа, сурункасига партиявий интизомсизлик, гуруҳбозлик, манфаатпарастлик, амалпарастлик, ичкиликбозлик қабилдаги йигирмадан ортиқ иллатлар санаб ўтилади.²⁶

1925 йили жойлардаги қуйи совет апаратини текшириш натижалари юзасидан махсус комиссия қуйидагича хулосага келган эди: “Кўпгина совет ташкилотлари ва қишлоқ советлари ўлик ташкилотни эслатади. Улар юқори ташкилотларнинг қуруқ буйруқларини бажарадиган ва ижтимоий ҳаётни тушунмайдиган идораларга айланиб қолган. Варзик, Поп ва Уйчи волость ижроия кўмиталари (волисполкомлар) деҳқонлар ва батрақлар оммаси билан мутлақо боғланмаган ва шунинг учун норозиликлар келиб чиқмоқда. Тан олишимизга тўғри келади, волостдан тортиб қишлоққача совет ҳокимияти ва унинг фаолиятини тўла тушунадиган, бир-иккита кишини истисно қилганда, одамларни учрата олмаймиз. Жойларда оддий халқ билан алоқа қилиш ўрнига, юқорининг қарорларини номига бажариб ўтириш авж олган”²⁷. Совет ҳокимияти йилларида бундай ёндашув одатий ҳолга айланди. Маҳаллий қишлоқ идоралари (сельсоветлар) ва совет ташкилотларининг ташаббуссизлиги ва нўноқлиги, жойларда яшовчи аҳолининг манфаатлари билан ҳисоблашмаслиги, юқоридан келган ҳар қандай буйруқни сўзсиз бажариш одат тусига кирди.

Қайд этиш лозимки, XX аср 30-йилларига келиб, компартия сиёсатини ошкора танқид қилиш, бу борада ўзгача фикр ва қараш билдириш таъқиқланди. Хусусан, муҳолифатчилик яширин тусга кира бошлади.²⁸ Шу даврдан бошлаб, совет режими мустаҳкамланиб, жамиятда мустабид тузум қарор топди. Бу пайтда зиёлилар, сиёсий арбоблар, ўзига тўқ деҳқонлардан ташқари ишчилар синфи вакиллари ҳам коммунистлар раҳбарлик қилаётган совет режими зуғумга олиб, қатағон қила бошлади. Бу ҳолат

²⁶ Ўзбекистон МДА, 86-фонд, 1-рўйхат, 2138 “а” иш, 193-варақ.

²⁷ Фарғона вилояти давлат архиви (Фарғона ВДА), 121-фонд, 2-рўйхат, 275-иш, 8-варақ; Андижон вилояти давлат архиви (Андижон ВДА), 59-фонд, 1-рўйхат, 151-иш, 169-170-варақлар.

²⁸ Ўзбекистон РПДА, 58-фонд, 6-рўйхат, 556- иш, 26-варақ.

ўзининг бутун даҳшатларини Ўзбекистонда ҳам намоён қилди.

Янги қабул қилинган совет Конституциясига²⁹ биноан 1937 йил 12 декабрда биринчи чақириқ СССР Олий Советига дастлабки сайловлар ўтказилди. 1938 йил 24 апрелда биринчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советига ҳам илк сайловлар бўлиб ўтди³⁰. Бутун совет ҳокимияти йилларида бу анъана ўзгаришсиз ҳолатда ҳар 4-5 йилда такрорланиб турди. Аслини олганда совет сайлов тизимининг моҳияти фақат шу “барқарорлик”да аниқ кўзга ташланади.

30-йилларда Республикадаги аксарият корхона ва ташкилотларда компартия ячейкалари ва ташкилотлари вужудга келди. Натижада иқтисодий ҳаёт, ишлаб чиқриш соҳаси, унинг бошқарувида компартия таъсири ўрнатилди. Маълумотларга қараганда, 1941 йил бошларида Ўзбекистон Компартияси таркибида 4132 та партия ташкилоти мавжуд бўлган. Бу вақтга келиб 6 та область партия комитети (обком), 10 та шаҳар партия комитети (горком), 116 та район партия комитетлари (райкомлар) орқали Ўзбекистонда ҳудудий партия тузилмаларининг кенг тармоғи ташкил этилди³¹.

20-йилларнинг охирига келиб аввал Марказда, кейин жойларда ҳам совет давлат ташкилотлари ўз мустақиллигини бутунлай йўқотиб, тегишли партия ташкилотларининг измига ўта бошлади. Пировардида “совет тартиблари”ни жорий этиш асосида партия қарорлари кундалик турмушга жорий этила бошлади. Натижада Совет давлати яқка партиявий диктатурага асосланган давлатга айланди. Барча ташкилотлар иерархик тизимга хос равишда коммунистик партияга бўйсундирилди. Бу шу давргача инсоният тарихида бирор давлатга хос бўлмаган хусусият бўлиб, бу ҳақидаги илмий хулосалар диссертациядан ўрин олган. Шу даврдан бошлаб кадрлар сиёсати тизimini РКП(б) Ташкилий бюроси ва МК секретариатининг қўлида жамланди. Марказий Комитетда раҳбар-ҳодимларни рўйхатга олиш ва тақсимот этувчи ҳисоб-тақсимот бўлими тузилди ва у катта ваколатга эга органга айланди.

Шу даврда Ўзбекистондаги партия ташкилотлари ва маҳаллий совет идоралари – ҳокимият органларидаги гуруҳбозлик, бюрократия, тўрачилик, порахўрлик, ўз хизмат вазифасини суистеъмол қилиш каби иллатларга ўз вақтида муносиб зарба берилмади.

Совет ҳокимиятида сўз билан иш бирлигининг йўқлиги, демократия сафсатабозликка айлантирилганлиги, танқид ва ўз-ўзини танқид тамойилига фақат бошқарувнинг қуйи бўғинларида амал қилиниши салбий оқибатларни яна ҳам кучайтирди.

СССРда партия аппаратининг олий органлари – Сиёсий бюро, Ташкилий бюро, МК секретариати олий ҳокимият сифатида расмий тан олинган эди. Маълумки, Конституцияга биноан аслида бу функция СССР Олий Совети Президумига тегишли эди.³² **(2-жадвалга қаранг)**


²⁹ Сталин Конституцияси деб номланган СССР Конституцияси 1936 йил 5 декабрда қабул қилинган эди.

³⁰ “Правда Востока” (Ташкент), 24 апреля 1938 г.

³¹ Коммунистическая партия Узбекистана в цифрах (1924-1977 гг.). –Т.: Узбекистан, 1979. –С.96-99.

³² Қаранг И.В.Павлов, Механизм политической власти СССР в 20-30 годы, Вопрос истории, 1998, № 11-12, стр 49-65; Т.П.Коржихина, Ю.Ю.Фигатнер, Советская номенклатура: становление механизмы действия, Вопросы истории, 1993, № 7, с 25-38.

Совет давлатида коммунистик партия органларининг иерархияси



1917 – 1924 йилларда Туркистон АССРда мавжуд бўлган совет давлатчилиги анъаналари Ўзбекистон ССРга кўчириб ўтказилди, фақат Ўзбекистон автоном республика сифатида эмас, балки иттифоқдош республика сифатида СССР таркибига киритилди. Яъни, Ўзбекистон ССР тузилганидан кейин совет давлати бошқарув тизими янги ташкил топган “миллий” иттифоқдош республикада ҳам шакллантирилди. Коммунистик партиёга бўйсундирилган совет бошқарув тизими тадқиқот даври, яъни 1917-1941 йилларда ўзгармасдан, балки давлат ва жамиятнинг барча бўғинларини қамраб олиб борди.

Мазкур даврда совет давлати бошқарув тизими тоталитар (мустабид) хусусиятга эга бўлиб, партиё давлат устидан, давлат эса халқ устидан ўзининг тўлиқ ҳукмронлигини ўрнатди. Давлатнинг жазо органлари функцияси фақат ички ва ташқи душманларга қаратилмасдан, айнан унинг “ўз халқи”га нисбатан қўлланилди.

Бунинг устига партиё бошқарувида ўзига хос сиёсий элита шаклланганлигини, большевиклар партиёсининг олий сиёсий раҳбарияти Марказда туриб, барча республикалар устидан назорат қилганлигини бу ўринда таъкидлаб ўтиш жоиз. Муаммонинг яна ҳам фожиали томони шундан иборатки, большевикларининг бутун бошли таркиби ҳам, сиёсий элита ҳам партиё Марказий Комитетининг измида бўлган. Марказий Комитет эса Сиёсий бюронинг, охир-оқибат коммунистлар партиё Бош қотибининг яқка ҳукмронлигига бўйсунарди.

Диссертациянинг **“Ўзбекистон иқтисодиётидаги бошқарув тизимининг Марказ манфаатлари асосида ташкил этилиши”** деб номланган тўртинчи бобида Туркистон ўлкасида “ҳарбий коммунизм” ва янги иқтисодий сиёсатнинг жорий қилиниши, иқтисодиётнинг марказлаштирилиши, саноат ва қишлоқ хўжалигининг зиддиятли ривожланиши каби илмий масалалар тизимли равишда ёритилди.

Қайд этиш лозимки, “Харбий коммунизм” сиёсати советлар мамлакатларидаги ижтимоий-иқтисодий аҳвол, аҳоли турмуш тарзига жиддий зарар етказди. “Харбий коммунизм” сиёсати маълум бир вақт мамлакат иқтисодий салоҳиятини назорат қилиб тутиб турган бўлишига қарамай, унинг зўравонлик услуби иқтисоднинг табиий, эркин асосларини емириб ташлашга хизмат қилди. Янги иқтисодиё сиёсат (НЭП) бозор иқтисодиёти элементларини ўзида жам этган ҳолда қисқа вақт ичида иқтисодий ҳаёт бобида ижобий ўзгаришларга сабаб бўлди. Шунингдек, мазкур даврда ўлкада саноатнинг вужудга келишига асос солди, моҳиятан янги саноат корхоналари ишга тушди.

СССР халқ хўжалигининг илк босқичлариданоқ Ўрта Осиё аҳолисининг ғаллага бўлган эҳтиёжи ҳисобга олинмаган ҳолда пахтачиликни ривожлантириш дастури илгари сурилди. Ўрта Осиё республикалари, хусусан, Ўзбекистон ССРдаги ғалла етишмовчилиги Иттифоқ ғалласи билан нафақат 100 фоиз қондирилиши, балки қишлоқ аҳолисининг озиқ-овқатга бўлган бошқа эҳтиёжлари ҳам таъминланиши

керак эди.³³ Бу ҳолат диссертациянинг мазкур боби ҳамда иловадаги манбалар асосида кўрсатилган.

Ўрта Осиё республикаларини ғалла ва дон билан таъминлаш борасида маълум саъй-ҳаракатларга қарамай амалда соҳада жиддий қийинчиликлар ва узилишлар содир бўлган. Масалан, 1927 йилда Ўзбекистон атиги 4 млн пуд, яъни мўлжалдагидан 50 фоиз кам ғалла олган. Бундай таъминот натижасида Ўзбекистондаги аҳвол фавқулодда оғирлигича қолаверган.³⁴ Ғалланинг тайёрлов нархи билан бозордаги нархи ўртасидаги тафовут 2-3 бараварни ташкил қилган.

Ўзбекистондаги оғир ижтимоий-иқтисодий ҳаёт, турмуш тарзининг ўта пастлиги Марказ томонидан бефарқлик ва лоқайдлик билан қабул қилинди. Масалан, 1930 йилда Москвадан ВКП (б) МК Бош котиби И.В.Сталиннинг ВКП (б) МК Ўрта Осиё бюроси маъсул котиби И.А. Зеленскийга юборган телеграммасида Ўрта Осиё республикаларида ғалла тайёрлаш режасини зудлик билан бажариш ҳақида қуйидагича кўрсатма берилган: “Сизларнинг Ўрта Осиё республикалари бўйича 26 млн пуд ғалла тайёрлаш бўйича режангиз яроқсиз. Ўрта Осиё учун бу режа 28 млн пуд ғалладан кам бўлмаслиги, тайёрланган ғалланинг қолган қисмини СССРнинг бошқа районларига етказиш шарт”.³⁵

Ўзбекистон Компартияси МК котиби Кирпанов томонидан “мутлақо махфий” грифи остида тайёрланган бошқа маълумотномада келтирилишича, “Ғалла тўплашда ўта кучли маъмуриятчиликка йўл қўйилган. Қишлоқларда тайёрлов идорасининг вакиллари уйма-уй юриб, камбағал деҳқонларни охириги мисқол³⁶ ғалласигача, ҳатто 20 фунт³⁷ зиғиригача тортиб олганлар. Уруғлик ғаллага тегмаслик ҳақидаги декрет бўлишига қарамай, деҳқонлар қисмати тақдир ҳукмига қолдирилган. Деҳқонларга қуйидагича дағдаға қилинган: “Агар ғаллангиз бўлмаса, хотинларингизни сотинг, акс ҳолда, 5 йилдан қамоқда ўтириб чиқасиз”. Ҳаттоки ғалла топшириш режасини бажарган деҳқонлар ҳам бир бошдан тинтилиб, уларнинг қолган ғалласи тортиб олинган. Бундай ҳолатни Шаҳрисабз туманида ҳам такрорланиши халқнинг оммавий норозилигини келтириб чиқарди”.³⁸

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг 1930 йил мартда бўлган V пленумида маъсул ходимлардан бири Богомолов бу ҳақда тўхталиб ўтиб, колхозлаштириш кампаниясига шундай таъриф беради: “Деҳқонлар нима учун бундай колхозлаштиришга қарши бўлганликларини тушунса бўлади. Қатор жойларда уларни кўпол хўрлашлар очик кўзғолонларни келтириб чиқармоқда”.³⁹ Ўзбекистон ССР ХКС раиси Файзулла Хўжаев колхозлаштириш борасидаги танқидий фикрларини шундай баён этган: “Биз ўзимизнинг кучимизга мос бўлмаган суръатда иш юритдик. Ўрта Осиё

³³ Ўзбекистон МДА, 86-фонд, 1-рўйхат, 2483-иш, 10-11-варақлар.

³⁴ Ўзбекистон РПДА, 58-фонд, 2-рўйхат, 28-иш, 101-варақ.

³⁵ Ўзбекистон РПДА, 58-фонд, 6-рўйхат, 264-иш, 4-варақ.

³⁶ Бир мисқол – 4,5-5 граммга тенг оғирлик ўлчов бирлиги.

³⁷ Бир фунт – 409,5 граммга тенг оғирлик ўлчов бирлиги. Бир фунт одатда бир кадоқка тенг бўлган.

³⁸ Ўзбекистон РПДА, 58-фонд, 7-рўйхат, 237-иш, 188-190 -варақлар.

³⁹ Ўзбекистон РПДА, 58-фонд, 6-рўйхат, 72-иш, 15-варақ.

районлари, хусусан, Ўзбекистонга хос хусусиятларни ҳисобга олмадик. Дехқонлар бу суръатларга тушунмади ва умуман колхозлаштириш тузукроқ ташвиқот ҳам қилинмади. Буларнинг устига деҳқонларни колхозга мажбурловчи маъмурий чоралар ҳам қўшилди. Натижада, камбағал ва ўртаҳол деҳқонларнинг ҳам оммавий норозилигига эришдик. Бундай ҳолат Бухоро, Фарғона, Андижон, Хоразм, Сурхондарё ва бошқа барча округларда бўлиб ўтди”.⁴⁰

Бу даврда Ўзбекистондаги ўткир иқтисодий ва ижтимоий муаммолардан бири ишсизлик муаммоси ҳисобланган. 1926 йил 28 сентябрдаги расмий маълумотларга қараганда, Тошкент ва Андижондаги кичик ва тор ётоқхоналар ишсизлар билан доимо лиқ тўла бўлган. Оғир иқтисодий аҳвол ишсизлар ўртасида ичкиликбозлик, нашавандлик, ўғрилиқ, қиморбозлик, аёллар ўртасида эса бузуқликнинг тарқалишига олиб келган.⁴¹

Ўзбекистон ССРдаги сиёсий ва иқтисодий аҳвол ҳақида ГПУ раисининг ўринбосари Астров томонидан 1927 йил июлда юборилган информацион маълумотномада шундай мулоҳазалар учрайди: “Бошланаётган қурилиш ишлари ишчилар кучининг ортиқча қисмини ўзига сингдирмоқда. Ишсизларнинг кайфияти таранг ҳолатида. Ишсиз Голоктиевнинг фикрича: “Билмадим, ҳозир коммунистлар меҳнат frontiда ғолиб чиқадиларми ёки йўқми? Ҳозир 1919 йил эмас. У пайтда қизил аскарлар большевикларнинг ваъдаларига ишонган эдилар. Энди коммунистларнинг ваъдаларига ишонмайдилар. Дехқонлар ҳам совет ҳокимиятига душманлик муносабатини сақлаб қолдилар. Чунки катта ваъдалар эвазига аввал берилган ер улардан тортиб олингач, фақат экишга яроқсиз 14 саржин ер ажратилди.”⁴²

Ўзбекистондаги ишсизлик кўплаб салбий ижтимоий ҳолатларни келтириб чиқарган. Ўзбекистон Компартиясининг барча округ коммунистларига йўллаган директив хатида кўрсатилишича ишсизлик муаммоси ва ишсизларнинг талабларига етарлича эътибор қилмаслик уларнинг сабр-косаси тўлдирди, баъзи ҳолларда уюшган фаол норозиликларни келтириб чиқарди.⁴³

Масалага яқун ясаган ҳолда шуни таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда иқтисодиётнинг бошқарилиши Марказ манфаатларига хизмат қилди. Туркистон АССР даврида бошланган бу жараёнда асосий эътибор халқ хўжалигининг бутун тармоқларини Марказ иқтисодий ташкилотларига буйсундирилишдан иборат бўлди. Бу тизим Ўзбекистон ССР тузилгач ҳам, иккинчи жаҳон уруши йилларида ва ундан кейинги даврда ҳам давом этганлиги маълум. Бундай таъминотчилик функцияси “беш йилликлар режалари” ёки “социалистик мажбурият” дея ниқобланди. Ўзбекистон

⁴⁰ Ўзбекистон РПДА, 58-фонд, 6-рўйхат, 72-иш, 27-варақ.

⁴¹ Ўзбекистон РПДА, 58-фонд, 2-рўйхат, 160-иш, 35-40-варақлар.

⁴² Ўзбекистон РПДА, 58-фонд, 2-рўйхат, 160-иш, 58-варақ.

⁴³ ЎзРПДАнинг Фарғона вилояти ҳокимлиги филиали, 110-фонд, 3-рўйхат, 37-иш, 1-2-варақлар.

Марказга муттасил равишда хом-ашё етказиб берувчи чекка ўлкалигича қолаверди.

Ўзбекистон ССРда иқтисодий бошқарувнинг Марказ манфаатларига бўйсундирилиши аввало, республика ҳукумати фаолиятини чеклаб қўйди. Ўзбекистон ССР ХКСи фаолияти доимий равишда компартия назорати остида бўлди. Ўзбекистон иқтисодиётининг марказлаштирилишида Марказнинг минтақадаги ваколатли ташкилотлари билан биргаликда Ўзбекистон Компартияси асосий ишни бажарди.

Тадқиқ этилаётган даврда саноатни индустрлаштириш ва қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш жараёнида жиддий хатоларга йўл қўйилди. Хусусан, ўзига тўқ деҳқонларнинг қулоқ сифатида тугатилиши машъум роль ўйнади. Марказ иқтисодий сиёсатининг асоратлари натижасида Ўзбекистондаги ижтимоий муаммолар тобора кескинлашиб борди. Деҳқонлар ҳамда зиёлилар билан бир қаторда йирик шаҳарлардаги ишчилар ўртасида совет ҳокимиятидан норозилик кучайди. Ишчиларнинг норозилик чиқишлари ва турли ғалаёнлар совет режими томонидан аёвсиз тарзда бостирилди. Бироқ бу ҳолат муайян давр мобайнида мавжуд бўлган ишчилар ўртасидаги норозилик, ишсизлик, очарчилик, қимматчилик ва қаҳатчиликни йўқота олмади. Аксинча, иқтисодиётдаги хатолар ижтимоий соҳага ҳалокатли таъсир кўрсатди. Ўзбекистон ССР фақат иккинчи жаҳон уруши арафасидагина маълум даражадаги сиёсий ва иқтисодий силжишга эришди.

ХУЛОСА

Тадқиқот давомида олиб борилган илмий изланишлар таҳлили асосида қуйидаги **хулосаларга** келинди:

1. Ўзбекистон тарихида илк марта Совет давлати бошқарув тизимининг шаклланиши, босқичлари ва моҳияти комплекс тарзда таҳлил этилди. Шунингдек, илк марта 1917-1941 йиллар оралиғидаги совет бошқаруви тизими даврларга ажратилиб, замонавий назарий-концептуал ёндашув асносида кўрсатиб берилди.

2. *Биринчи давр* 1917 – 1924 йилларни, *иккинчи давр* 1925 – 1941 йилларни ташкил қилади. Ўз навбатида бу даврларни бир нечта кичик босқичларга ажратиш мумкин. *Биринчи давр*ни 1917 – 1920 йиллар ва 1920 – 1924 йилларни ўз ичига олган иккита кичик босқичга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқ. Бу босқичларда Туркистон ўлкасида ҳам большевиклар томонидан мажбурий тарзда совет ҳокимияти ўрнатилди. РСФСР таркибида 1918 йил апрелда Туркистон АССР ташкил қилинди. Минтақада тараққиётнинг совет давлатчилиги сингари янги шаклига асос солинди. Большевиклар Марказнинг ҳарбий кучларига таянган ҳолда 1920 йили Хива хонлиги ва Бухоро амирлигини куч билан тугатиб, маҳаллий “инқилобчилар” ёрдамида Хоразм Халқ Совет Республикаси ва Бухоро Халқ Совет

Республикасини ташкил қилдилар. Бундан ташқари 1920 йили Туркистон АССР ҳудудининг муайян қисмида Қирғизистон АССР (аслида Қозоғистон АССР)га асос солинди. Айнан 1920 йилдан бошланган Туркистон минтақасини аввал бўлиб ташлаб, сўнгра бошқариш жараёни 1924 йил охирида Ўрта Осиё республикаларида миллий-ҳудудий чегараланиш сиёсатининг ўтказилиши билан яқунланди. *Иккинчи даврни* шартли равишда 1925 – 1929 йиллар, 1929 – 1936 йиллар, 1937 – 1941 йиллар каби учта кичик босқичга ажратиш мумкин. *Бу босқичларда* Ўзбекистон ССР (1925 йил февралда ташкил топган) тузилиб, у 1925 йил майда “ўз ихтиёри билан” Совет Иттифоқи таркибига иттифоқдош республика сифатида киритилди. Ўзбекистон ССР барпо этилгач, республикада совет давлатчилиги бошқарув тизимининг барча бўғинлари шакллантирилди, қонун чиқарувчи ва ижро қилувчи ҳокимият функциялари қайтадан тақсимланди. Бироқ Ўзбекистон ССРдаги давлат бошқаруви тизими устидан коммунистик партияси раҳбарлиги ва назорати ўрнатилди. Совет давлатчилигига хос бўлган тоталитар тузум иллатлари айнан шу босқичда вужудга келди ва мустаҳкамланди. Мамлакатда 1929 йилда кескин сиёсий ўзгаришлар (янги иқтисодий сиёсатдан воз кечилиши, кулоқларни синф сифатида тугатиш, “синфий душманлар”га қарши шафқатсиз кураш бошланиши ва б.) йўлига ўтилиши билан биринчи босқич тугади. Бутун мамлакатда бўлгани сингари Ўзбекистон ССРда ҳам совет давлати ўзининг мустабид характерини тобора кўпроқ намоён қила бошлади. Большевикларнинг кулоқлаштириш, коллективлаштириш каби сиёсатлари бошқарув тизимида жазо функцияларини ошиб боришига хизмат қилди. Партократия шаклланиб, улар давлат бошқарувидаги барча бўғинларга раҳбарликни ўз қўлига олди. Мамлакатда бошланган оммавий қатағон сиёсати Ўзбекистонга ҳам кенг тарқалди. 1936 йил 5 декабрда “Сталин Конституцияси” деб номланган СССР янги Конституциясининг қабул қилиниши билан мамлакатда социалистик жамият қурилганлиги ва социализм тузumi ғалаба қилганлиги ҳуқуқий жиҳатдан эътироф этилди. Совет давлатчилиги тарихининг бу босқичи 1936 йил декабрда ана шундай яқунланди. *Учинчи босқичда* совет давлатчилиги бошқарув тизими тобора мустаҳкамланиб борилди. 1937 – 1938 йилларда совет давлатида юз берган оммавий қатағонлик, давлат бошқаруви тизимидаги қатағонлар совет давлатининг асл моҳиятини намоён қилди. Мазкур ҳолат 1941 йилдан кейин ҳам ўзгармай, ўша ҳолатда давом этаверди.

3. Масала моҳиятига янгича назарий-концептуал равишда ёндашув натижасида совет давлатининг Ўзбекистонда амалга оширган бошқарув механизми мураккаб характерда кечганлиги, у ўз навбатида ушбу механизмнинг барча салбий жиҳатларини эътироф этган ҳолда маҳаллийлаштириш, миллий кадрлар, раҳбарлар етиштириш каби эътиборга сазовор жиҳатлар рўй берди. XX аср 20-йиллари охирлари-30-йилларида амалга оширилган маҳаллийлаштириш жараёни натижасида бошқарувда миллий кадрлар қатлами юзага келди.

4. Октябрь тўнтариши Россия, хусусан Туркистон ўлкасига иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маънавий жиҳатдан зарба берди. 1917 йил октябрь тўнтаришидан сўнг юзага келган совет давлати бошқарув тизими ўзида ҳарбий-жазо элементлари, диктатура жиҳатларини жамлади. Мазкур ҳолат у ёки бу даражада бутун совет ҳукмронлигининг барча даврларида ҳам ўз аксини намоён этди. Совет давлати бошқаруви шу давлатга хос қатор ижтимоий-иқтисодий характердаги иллатларни келтириб чиқардики, булар орасида режа кетидан қувиш, капитал фобия туфайли жамиятни бирхиллаштириш, асрий миллий ва диний эътиқоддан воз кечиш айнан совет жамиятидан мерос қилиб олинди.

5. Марказ Туркистон ўлкасини бошқаришда янгича бошқарув услубини қўллади. Марказнинг Туркистон комиссияси (Турккомиссия), Туркистон бюроси (Туркбюро), Туркистон fronti (Туркфронт), Туркистон Иқтисодий Кенгаши (ТуркЭКОСО), Ўрта Осиё бюроси (Средазбюро), Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши (СредазЭКОСО) каби қатор ваколатли ташкилотлари ўлкани иқтисодий барқарорлаштириш жараёнигамаълум даражада ўз хиссаларини қўшдилар. Аммо, бундан кўзланган пировард мақсад ўлканинг хомашё базаси сифатида ушлаб туриш эди. Мазкур ҳолатдан норози бўлган Туркистон ўлка Мусулмонлар бюроси (Мусбюро) ва маҳаллий коммунистлар қисқа вақт бўлса ҳам совет ҳокимиятига эътироз кўрсатишга ҳаракат қилдилар.

6. Ўрта Осиё республикаларида советча бошқарув тизими ўрнатилгач, Марказнинг ваколатли органлари бу республикалар ҳудудларида бевосита фаолият кўрсатдилар. Улар аввал РСФСР, кейин СССР манфаатлари учун хизмат қилди. Бошқарув тарихида илк бор иш бошлаган бундай сиёсий ва иқтисодий бошқарув институтларининг энг асосий оғриқли нуқтаси саводли ва тажрибали ходимлар етишмаслиги бўлди.

7. Совет ҳокимияти минтақада амалга оширган сиёсий тадбирлардан бири Ўрта Осиёда ўтказилган миллий-ҳудудий чегараланиш бўлди. Бу сиёсат аввало расмий ҳужжатларда “ўлка меҳнаткашларининг хоҳиш-истаги асосида амалга оширилди”, дея даъво қилинди. Аммо кўп сонли архив ҳужжатлари реал воқелик ўзгача бўлганлигини исботлайди. Натижада юз минглаб одамлар ўз туғилиб ўсган ватанларида “миллий озчилик” категориясига кириб қолишди. Диссертацияда бу мураккаб ва нозик масала билан боғлиқ жиҳатлар тўлақонли тарзда таҳлил этилди.

8. Ўзбекистонда янги саноат корхоналарининг барпо этилиши ва қишлоқ хўжалигини экстенсив йўл билан ривожлантирилиши ҳам бу даврда ишсизликка барҳам бера олмади. Ўзбекистонда ишсизлик XX аср 30-йилларининг охиригача ўткир муаммо бўлиб турди. Уларнинг турли норозиликлари, сиёсий чиқишлари бўлиб ўтди. Ўзбекистонда ўтказилган ер-сув ислохотлари, коллективлаштириш сиёсати бошқа минтақалар қатори фожиали кечди ва оғир оқибатларни келтириб чиқарди. Совет ҳокимияти томонидан кўпинча ишчилар ва деҳқонлар синфлари зиёлиларга қарши қўйилди.

Тадқиқот якунида қўлга киритилган илмий хулосалар асосида қуйидаги **таклиф ва мулоҳазалар** билдирилди:

– тарихий ҳужжатлар Ўзбекистонда давлатчилик тарихини ўрганишда муҳим ҳуқуқий-тарихий манба эканлигини эътиборга олган ҳолда совет даврига тегишли архив ҳужжатларининг каталогларини нашр этиш ёки қисқа маълумотлар базасини яратиш орқали уларни илмий муомалага киритиш мақсадга мувофиқ;

– мавзуга тегишли тарихий манбаларни интернет сайтларига ўзбек ва рус тилларида жойлаштириш;

– бу материаллардан Ўзбекистондаги олий ва ўрта махсус ўқув юртларида “Ўзбекистон тарихи” фанидан турли ўқув курслари ва махсус курслар ташкил қилишда фойдаланиш мумкин;

– Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикаларида совет ҳокимиятининг ўрнатилиши, унинг моҳияти тўғрисида қўшни давлатлар олимлари билан ҳамкорликда яхлит фундаментал тадқиқот яратиш;

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ
ДОКТОРА НАУК DSc27.06.2017. TAR.01.04 ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ
УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА, КАРАКАЛПАКСКОМ НАУЧНО-
ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ ИНСТИТУТЕ ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА

ХАЙДАРОВ МУРОДИЛЛА МАХМУТАЛИЕВИЧ

**ФОРМИРОВАНИЕ, ЭТАПЫ И СУЩНОСТЬ СОВЕТСКОЙ СИСТЕМЫ
ГОСУДАРСТВЕННОГО УПРАВЛЕНИЯ В УЗБЕКИСТАНА (1917-1941
ГОДЫ)**

07.00.01 – История Узбекистана

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ИСТОРИЧЕСКИХ НАУК (DSc)**

Ташкент - 2018 год

Тема докторской диссертации зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2017.1.DSc/Tar30

Докторская диссертация выполнена в Национальном университете Узбекистана.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский и английский) размещен на веб-странице Научного совета (<http://ik-tarix.nuu.uz>) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz)

Научный консультант:

Муртазаева Рахбархон Хамидовна
доктор исторических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Эргашева Юлдуз Алимовна
доктор исторических наук, профессор

Дилором Бобожонова Бобожоновна
доктор исторических наук, профессор

Расулов Бахтиёр Махмуджонович
доктор исторических наук

Ведущая организация:

Бухарский государственный университет

Защита состоится «__» _____ 2018 года в ____ часов на заседании Научного совета по присуждению ученой степени доктора наук DSc 27.06.2017.Tar.01.04 при Национальном Университете Узбекистана, Каракалпакском научно-исследовательском институте общественных наук по адресу: 100174, город Ташкент, улица Мухбир, Исторический факультет, 1 этаж. Зал заседаний; e-mail: nauka@nuu.uz

С докторской диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана (зарегистрирована за № ____). Адрес: 100174, город Ташкент, улица Университетская, 4. Главное здание. Тел:(99871)246-96-80.

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2018 года
(протокол рассылки за № _____ от «__» _____ 2018 года)

А.А. Маврулов
Председатель Научного совета по
присуждению ученой степени
доктора наук, д. и. н., профессор

Х.Э. Юнусова
Ученый секретарь Научного
совета по присуждению ученой
степени доктора наук, д.и.н.

Г.А. Агзамова
Председатель Научного семинара
при Научном совете по
присуждению ученой степени
доктора наук, д.и.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации)

Актуальность и востребованность темы исследования. За последние столетие социализм и советская система управления оказали непосредственное влияние на общественные и политические процессы в мире. Тому подтверждение история XX века, насыщенная сложнейшими противоречивыми событиями. В исследованиях последних лет, предпринятых учеными-историками и сотрудниками центров советологии – нового академического направления – всесторонне изучены сущность и последствия системы государственного управления Советского Союза, в частности политические процессы, происходившие в Узбекистане⁴⁴. В частности, отмечается, что метод колонизаторского управления оказал отрицательное влияние на интеллектуально-культурную, социально-экономическую и политическую жизнь Средней Азии, в том числе и Узбекистана, за последние 130 лет, не допуская местные народы к суверенному управлению.

В годы независимости одной из первостепенных задач ученых-историков Узбекистана стало освещение истории государственности узбекского народа с позиции объективности и исторической консеквентности. Следует отметить, что в Узбекистане, с одной стороны, господство бывшей советской власти оказало отрицательное воздействие на духовность и образ жизни узбекского народа, с другой стороны, произошли определенные положительные изменения: республика превратилась в аграрно-индустриальный край. Поэтому исследование о формировании этапов и сущности советской системы государственного управления, в частности первой четверти (1917-1941 годы) советского периода имеет существенное значение.

На современном этапе развития Узбекистана объективный анализ деятельности государственных органов и результаты открытого и прямого диалога с населением выявил наличие проблем, требующих системного решения. А это, в свою очередь, как отмечается в Указе Президента «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», определяет необходимость «создания совершенно новой, эффективно и качественно функционирующей системы государственного управления»⁴⁵. Помимо этого, для реализации задач, предусмотренных в Концепции административной реформы Республики Узбекистан⁴⁶, предполагается модернизация системы государственного управления с учетом мировых стандартов и современных тенденций инновационного развития. Эти

⁴⁴ H. Carrere D'Encausse, L'empire éclaté: La révolte des nations en U.R.S.S.-Paris: Flammarion, 1979.-314p.c-Biblegr. P.307-309; Frank Golczewski Russlands, zentralasiatische expansion im Lichte der neuen sowjetischen Geschichtsinterpretation. "Osteuropa", 1980, N 6, S. 481- 493; Taras Kuzio. A Nationality Problem in the USSR-Soviet analyst, 1985, 9 January, England, p7-8.

⁴⁵ Указ Президента Республики Узбекистан «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» // «Народное слово», 8 февраля 2017 года.

⁴⁶ Указ Президента Республики Узбекистан «Об утверждении концепции административной реформы Республики Узбекистан» // «Народное слово», 9 сентября 2017 года.

положительные изменения обуславливают необходимость научных исследований, направленных на анализ сущности системы управления на различных исторических этапах развития страны

Мировая историческая наука, изучив советское государство как державу, манкирующую традиционные общечеловеческие ценности, выявила негативные последствия существования такого типа государственности. Прежде всего, отмечается, что республики, именуемые «союзные», непосредственным образом, подчинялись Центру, причем такая чрезмерная централизация управления была закреплена законодательно. Характеристика причин генезиса советской тоталитарной государственности в Узбекистане, а также анализ революционных идей и осуществление коммунистической партией единовластия позволили определить основу формирования советской системы управления. Таким образом, темы, раскрывающие преобладание интересов Центра в системе управления экономикой Узбекистана, а также вопросы, выявляющие, что основными средствами советской системы управления являются национально-территориальное размежевание и тиранический способ управления, являются важными исследованиями в исторической науке Узбекистана.

Данная диссертация в определенной степени служит практической реализацией задач, обозначенных в Указе Президента Республики Узбекистан «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года, Постановлении Президента Республики Узбекистан «Об организации деятельности Общественного Совета по новейшей истории Узбекистана при Академии наук Республики Узбекистан» от 30 июня 2017 года, Указе Президента Республики Узбекистан «Об утверждении концепции административной реформы Республики Узбекистан» от 8 сентября 2017 года.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики I. «Исследование национальных, литературных, исторических и религиозных ценностей, национальной идеи эстетико-художественного воспитания, искусства, материального и нематериального наследия, истории национальной государственности в процессе модернизации и реформирования общества».

Обзор международных научных исследований по теме диссертации⁴⁷. Вопросами изучения истории национальных республик, советской системы бывшего Союза, в частности, проблемами, связанными с советской системой управления в Узбекистане занимаются ведущие научные центры и высшие учебные заведения мира, такие как Central European University, department of history researches (Великобритания), University of Birmingham, Center for Russian and East European Studies (США), Illinois

⁴⁷ Обзор международных научных исследований по теме диссертации сделан на основе <https://www.iaaw.hu-berlin.de>; <https://www.indiana.edu>; <https://www.gwu.edu>; <https://www.soas.as.uk>; <https://www.cambridge-centralasia.org>; <https://www.oaaw.as.at/iran>; <https://www.igh.ru>; <https://www.uzhistory.uz> и других источников.

University, Chicago (США), Frankfurt University (Германия), King's College (Великобритания), Middle East Technical University, The department of political science and public administration (Турция), University Of California (США), The George Washington University, Centre of scientific investigation of Central Asia (США), Sodertorn University (Швеция), Cambridge University (Великобритания), International relations multidisciplinary doctoral school (Польша), University of Western Ontario (Канада), Institute of International Policy Studies (Япония), Institute of Central Asia (Франция), Академия государственного управления при Президенте Республики Узбекистан, Институт истории при Академии наук Республики Узбекистан, Национальный университет Узбекистана (Узбекистан).

На основании проведенных в мире исследований по истории советской системы, советской системы управления в Узбекистане получен ряд научных результатов, в частности: раскрыты основы управления советского государства и негативные последствия в развитии идеологии общества (Frankfurt University, Германия); раскрыты последствия периода коллективизации, приведшие к принудительной миграции (International relations multidisciplinary doctoral school, Польша); доказаны негативные последствия тоталитарной системы и коренное изменение общества в государствах Центральной Азии (Institute of Central Asia, Франция); доказаны последствия политических ограничений и централизации управления (The George Washington University, Centre of scientific investigation of Central Asia, США); раскрыты ликвидация автономных республик и существование политических репрессий в данное время (King's College, Великобритания); научно обосновано существование признаков колониаторства в основе советской национальной политики в Средней Азии (Russian Research Institute, США); раскрыто влияние тенденций концепции культурной революции на систему управления и на степень грамотности народа (на примере государств Средней Азии) (Sodertorn University, Швеция).

В мировой исторической науке проводятся также исследования по вопросам формирования, этапов и сущности советской системы государственного управления (1917-1941 годы) в бывших советских республиках и в Узбекистане, в частности. Исследуются такие проблемы как: выявление аспектов тоталитаризма в советской системе управления в Узбекистане; жесточайшая классовая борьба; раскрытие сущности атеистической политики, проводимой большевиками в Средней Азии; исследование коллективизации, индустриализации, политики культурной революции в хронологии; доказательством деформации общественно-политических, экономических отношений, присущих советскому государству; изучение основ управления в Узбекистане; выявление миграционных связей и их этническая пестрота.

Степень изученности проблемы. Изучение литературы по данной теме в хронологическом плане следует разделить на два этапа: *первый период* – историческая литература, опубликованная в годы советского правления; *второй период* – исследования, предпринятые в годы независимости.

В свою очередь, анализируя первый период можно выделить несколько этапов. *Первый этап* включает историческую литературу, опубликованную в 1917-1941 годах. В эти годы первоначальные исторические изыскания были предприняты неспециалистами по истории, а партийными, государственными, общественными деятелями, а также хозяйственниками, экономистами и публицистами.

В опубликованных материалах⁴⁸ 20-х годов XX века даны сведения о процессе установления правительства в Туркестанском крае, политике, проводимой большевистской партией в регионе, первичные мероприятия советского правительства и т.п. Следует отметить, что одно из первых крупных произведений на эту тему принадлежит заместителю председателя Туркбюро ЦК РКП(б) Георгию Сафарову. В данной книге отражены вопросы колониальной революции, предпринятой советским правительством в Туркестане⁴⁹.

В произведениях⁵⁰ 30-х годов наблюдается совершенно другая картина. Исторические исследования, созданные в условиях развивающегося советского тоталитарного режима, подчинены идеям классовой борьбы и пролетарского интернационализма.

В исторической литературе наблюдается отказ от определенной степени объективности и постепенное усиление проблем классовости, руководство марксистской методологией. К середине 30-х годов XX века в советском обществе окончательно утвердилась одна идеология - коммунистическая идеология.

Исторические исследования⁵¹ Второй Мировой войны и последующих лет (1941-1985 годы) составляют *второй период первого этапа*. В основных

